



-Собик давлат
маслаҳатчиси ва унинг
жинойийгумаштаси Т.Иминов
ва А.Фаттаховларнинг
молиявий ўғирликларини
фош этиш мақсадида қатор
йиллардан буён тинимсиз
курашларим самараси
улароқ ёлғизгина ўғлим
коррупциялашган орган
ходимларининг чангалига
тушди, — дейди Чамангул
Негманова,
— Аввалига ўғлимга
нисбатан сохта жиноий
иш очишди. Шу йўл билан
ҳам менинг овозимни
учира олмаслигига кўзи
етган Бектемир туман ИИБ
ходимлари 13.02.2016
куни автоматлар кўмагида
кўрkitиш орқали ўғлимни
йўлтўсарлар каби ўғирлаб



Шайхантахурский район,
ул. Каттабаг-31.

ИСХОДЯЩ. № _____ т:
99890.353-19-31.

ОЧЕРЕДНАЯ ЖАЛОБА -15

(О возбуждении угол. дела
в отношении сотрудников
вашего Аппарата).

Действуя согласно
требованиям ст.35 и 121
Конституции, в целях
оказания содействия в
защите законности и
правопорядка, прав и свобод
граждан

Ч.Негмановой и
Г.Негманова, сообщая о
том, что нами 6.04.16г. Вам
была представлены Жалобы
о возбуждении уголовного

ЧАМАНГУЛ НЕГМАНОВА: “ЎҒЛИМНИ ЎҒИРЛАБ КЕТИШДИ”

кетишган эди. Кунни кеча, 2016
йилнинг 27 июнь кунни такрор
ўғирлик содир бўлди. Бектемир
туман ИИБ ходимлари ўғлимни
ўғирлаб кетишди. Айни дамда
ўғлимнинг қаерда эканлиги, қандай
аҳволда эканлиги номаълумлигича
қолмоқда. Нахотки мамлакатимизда
қонунсизлик шу қадар илдиз отиб
кетган бўлса? – ўғли Ғайратнинг
тақдирдан ташвишланган
Негманованинг дунёси қоронғу.
Бирок бу юртда онани эшитадиган
кимса йўқ!

Мана, 4 кундирики ўғли Ғайратдан
дарак йўқ.

“Тош қаттиқми, Бош қаттиқ?”
дейди халқимиз? Бу азобларга
тош бўлса, эзилиб, кумга айланиб,
сочилиб кетган бўларди. Афтидан,
бош қаттиқ деганлари ростга
ўхшайди.

Ёлғизининг тақдирдан
ташвишланган она ҳукумтанинг
юқори идораларига, юртни
сўраб турган тўраларга ёзаётган
шикоятларининг, арзларининг
охири кўринмайди.

Ҳозир эътиборингизга ана
шундай шикоятлардан бирини

ҳавола қиламиз:

Малоҳат Эшонқул

* * *

**ПРЕЗИДЕНТУ РУЗ
И.А.КАРИМОВУ**

**Конии:- ГЕНЕРАЛЬНОМУ
ПРОКУРОРУ РУЗ**

— **МИНИСТРУ ВНУТРЕННИХ
ДЕЛ РУЗ**

— **ПРЕДСЕДАТЕЛЮ
ВЕРХОВН. СУДА**

— **ПРЕДСЕДАТЕЛЮ СНБ
РУЗ.**

— **ПРЕДСЕДАТЕЛЮ СЕНАТА
РУЗ**

*от Ч.Негмановой, пр.по адр:
г.Ташкент,*

*Бектемирск. р-н,
ул. Уртачирчик-56 и
правозащитника Ш.Рустамова,*

*пр.по адр:
г.Ташкент-71,*

дела в отношении сотрудников
вашего Аппарата, где просили
обсудить служебные деятельности
выше сидящих чиновников на
заседании Олий Мажлиса для
получения согласия на привлечение
их к уголовной ответственности,
по которой мы до сих пор никаких
Решений Олий Мажлиса не
получили.

Сотрудники вашего Аппарата,
как всегда, снова уклонились от
представления наших Жалоб Вам,
т.е. уклонились от исполнения
своих служебных обязанностей.
Тем самым, они занимались
укрывательством преступлений,
совершенных выше сидящими
чиновниками, прокурорами,
следователями, судьями, а также
Т.Иминовым и А.Фаттаховым. В
результате чего мы лишены права
обращения Президенту страны !

Пользуясь бездействием
выше сидящих чиновников,
должностными лицами местных
правоохранительных органов
организовано уголовное

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

преследование Ч.Негмановой и её сына Г.Негманова с помощью фальшивого уголовного дела, в целях укрытия преступлений, совершенных Т.Иминовым и А.Фаттаховым.

Самое страшное то, что эти преступления совершаются именно сотрудниками ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВА, которые являются преследованием Ч.Негманова за подачу ею Жалоб в высшие органы государства на преступные деяния Т.Иминова и А.Фаттахова, что именуется К О Р Р У Ц И Е Й !

В частности, 13.02.16г. сотрудниками УР РУВД совершено преступление, т.е. необоснованное задержание — хищение человека- Г.Негманова (ст.135 УК), который необоснованно удержан до обеда в камере Бектемирского РУВД и каким, то образом следователям удалось получить с Г.Негманова какие то объяснения.

Какой позор !

27.06.16г. повторно совершено хищение Г.Негманова и в данный момент мы незнаем его местонахождения. Мои требования о даче информации о месте нахождения его сотрудниками РУВД не были удовлетворены.

В изоляторе Г.Негманова заставили подписать документы о нахождении его в розыске, что является незаконным, так как нами ни разу не получено никаких повесток.

Какой позор !

В ходе переписки нами получены очередные письма-отписки, авторы которых, уклоняясь от принятия Решений, соизволил рассмотреть жалобы не входящие в свои полномочия. Это означает то, что у нас в Узбекистане жалобы о привлечении к уголовной ответственности выше сидящих чиновников рассматриваются им подчиненными лицами. Это смех и грех, давайте ещё раз посмеемся вместе:

Ха, — Ха, — Ха, — Хи, — Хи, — Хи !!!

Также сообщаем о том, что наши Жалобы от 30.04.15г, 22.05.15г, 22.06.15г, 12.08.15г, 15.12.15г, 16.12.15г, 14.02.16г, 29.02.16г, 2.04.16г, представленные в высшие органы государства, до сих пор уполномоченными должностными лицами не рассмотрены и соответствующие по ним Решения не приняты. Так, что потрудитесь, пожалуйста, представить предстоящему суду Решения по нашим Жалобам. Иначе мы отказываемся от дачи показаний в суде.

Бездействия выше сидящих чиновников и деяния сотрудников вашего Аппарата, Прокуроров, Нач. Бектемирского РУВД, следователей В.Тян, Ш.Файзуллахонова и сотрудников ГУВД и МВД, Председателя Яшнабадского рай. суда и секретаря Уктама являются злостным нарушением требований ст. 2,7,13,14, 15, 16, 18, 19, 35, 43, 44, 118 Конституции, ст.7 Законов

«О прокуратуре», «О судах» и УПК РУз, которые на основании ст.14 УК РУз. являются преступлением против конституционных прав граждан и демократизма !

На основании выше изложенного, ст.18,19,35,43,44,118 Конституции, Закона «О прокуратуре» и ст.321-331 УПК в тринадцатый раз П Р О С И М:

Выступить гарантом соблюдения требований Конституции и наших прав.

Так как, вышеуказанные чиновники уклонились от исполнения своих служебных обязанностей, обсудить наши Жалобы на заседании Олий Мажлиса и принять по ним соответствующие Решения.

Отменить незаконные Постановления следователя В.Тян от 14.05.15г. о возбуждении уголовного дела в отношении моего сына, Постановление следователя В.Тян от 6.08.15г. о принудительном приводе его и Решение об объявлении розыска в отношении моего сына.

Отменить ложное Заключение СМЭ, так как в нем не указаны телесные повреждения Г.Негманова, указанные в Справке Республиканской НИИ нейрохирургии.

Обсудить служебные деятельности И.Абдуллаева, А.Ахмедбаева, Ш.Газиева, Р.Иноятова и Н.Йулдашева на

заседании Олий Мажлиса для получения согласия на привлечение их к уголовной ответственности за бездействие.

Возбудить уголовное дело в отношении сотрудников вашего Аппарата, Прокуроров Бектемирского, Яшнабадского районов и г.Ташкента, Нач-ка Бектемирского РУВД и ГУВД г.Ташкента, следователей В.Тян и Ш.Файзуллахонова, сотрудников УР и отдела по борьбе с терроризмом РУВД и ГУВД, У.Гаппарова, Председателя Яшнабадского рай. суда по уголовным делам, судьи и его секретаря, принявшего данное фальшивое уголовное дело в своё производство, соседа Насима, участкового инспектора А.Абуева и остальных сотрудников МВД, участвовавших в нападениях в дом Негмановых, сотрудников отдела ГУВД по борьбе с терроризмом, задержавших Г.Негманова, чиновника, направившего данное фальшивое уголовное дело в Яшнабадский рай. суд, А.Азимова, Б.Абдумаликова, В.Талибджанова по ст.135,141,144,205,206,208,209,230, 231,234, 241-242 УК РУз. и выдать нам копию Решения, принятого Олий Мажлисом РУз.

Соблюдать требования ст.18 Конституции РУз. и сперва привлечь к уголовной ответственности Т.Иминова и А.Фаттахова по ст.167,205 УК РУз. за хищение государственных средств в особо крупном размере.

Требуем прекратить ПРЕСЛЕДОВАНИЕ Негмановых до принятия Решений по нашим Жалобам.

Так как сотрудникам РУВД неизвестно место нахождения моего сына

Гайрата Негманова, прошу объявить розыск его.

ПРИЛОЖЕНИЕ: 1. Наша Жалоба от 6.04.16г.

Письмо В.Талибджанова от 29.04.16г.

Письмо Б.Абдумаликова от 2.05.16г.

Письмо А.Азимова от 16.05.16г.

Письмо Р.Исокова от 24.05.16г. (на листах, только 1 и 7 адресатам).

Согласно требованиям правил делопроизводства требуем указать в своем Решении исходящий номер нашей Жалобы !

С уважением: **Ч.Негманова**
Ш.Рустамов
29.06.16г.

Каримовнинг ўзбек тили ва адабиёти университети очиш орқасида ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш эмас, балки ўз ҳукумати хавфсизлиги учун қайғуриш тургани ҳақида айтган эдик. Бугун бу ахборот ўз тасдиғини топди: Низомий ТДПУнинг вилоятдан келган талабалари вилоятларга ҳайдалмоқда. Сабаби Каримов университетдаги 12.000 талабанинг кўтарилишидан хавотирга тушиди ва шахсан ўзи университетни деярли тугатиш ҳақида буйруқ берган эди.

Университетдаги талабалар сони Озодлик берган хабарга кўра, 3000 га туширилади, аслида эса Каримовнинг амрига кўра, бу ўқув даргоҳида 1000 талаба қолиши план қилинган. Чунки 12 ёки 10 минг талаба кўчаган чиқса, уларни қириб ташлаш учун анча вақт кетади, аммо минг нафар талабани қириб ташлаш осон.

Каримов муҳаққак бўлажак давлат тўнтариши ва халқ кўтарилишидан кўрқувга тушиб қолган. Атрофдаги югурдақларининг ва кўринмас

бошқарувчиларининг амри билан бутун бошли илмий даргоҳни йўқ қилиб навбатдаги улкан жиноятга қўл уряпти.

Шу ўринда янги ташкил этилган ўзбек тили ва адабиёти университети ҳақида. Университет ўқитувчиларига ойлик берилмаяпти, уларга уч ой ёз давомида отпусқа



Каримов Низомий ТДПУни тугатиш ҳақида буйруқ берган эди

пулисиз ва маошсиз ишлашлари айтилган. Университет учун ҳали бино йўқ, Низомий ТДПУнинг биноси бу университетга берилиши режа қилинган. Бу Каримов жиноятини хаспўшловчи воситадир. Айни пайтда ўз ҳақини талаб қилмасдан вилоятларга кетаётган талабалар учун ягона чора – Низомий ТДПУда ўқиш учун намоишга чиқишдир. Аммо талабаларни бошқариб турувчи

куч, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи лидер керак, аммо бу нарса ўзбек талабалари ўртасида ҳозирча мавжуд эмас, аммо талабалар кўтарилса, ўз ҳақларини талаб қилса, шунингдек, ишдан аёвсиз бўшатилаётган университет ўқитувчилари жасорат кўрсатсалар, балки Каримов режими бу жиноятлари олдида бироз ўйлаб олишни ўрганар эди.

Абдуллоҳ Нусрат



Чамангул Негманованинг ўғлини дарагини тоштурмадан топишди!

Собиқ давлат маслаҳатчисининг иқтисодий жиноятларини фош этишга 8 йилдирки уриниб келаётган Чамангул Негманова шу йилнинг 25 июнь куни ёлғиз ўғлини ўғирлаб кетишганларини итдао қилган эди.

-Бугун, 1 июль куни эрталаб тасодифан, етти ёт бегона кишидан ўғлимнинг Тоштурмада ётганлиги

ҳақида эшитиб юрагим тўхтаб қолаёзди, — дейди Ч. Негманова.

Чамангул Негмановага кўра, Онанинг давлатни мартабали шахслари билан олишуви ортидан ўғли Ғ. Негманов қонун идоралари томонидан таъқибга олинганлиги айтилади.

-Бундан бир ярим йиллар илгари Ички ишлар бошқармасининг терроризмга қраши кураш бўлими ходими менга “Ўғлингнинг жиноятчига чиқиб қолишини истамасанг, эҳтиётингни қил” деган мазмунда телефон орқали қилган пўписали огоҳлантириши ҳамон эсимда, — дейди Ч. Негманова, — Оқибатда,

ўша ходим айтганидек бўлди. Аввалига қўшним ўртасида низо уюштиришди. Бунинг оқибатида йўлакда қўшним билан тортишув юзага келди. Басавлат эркак кишидан калтакланган, касалхонага тушган ўғлим. Айни дамда қўшнимни “ўйин”ларидан чиқариб юборишди. У одам ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди.

Бироқменинг ўғлимни жиноятчига айлантириб қўйишди. Қўшниси билан тортишиб қолган фуқарони Тоштурмага ташлашганларини қаерда кўргансиз? Менинг ўғлим кўчабезори эмас. У ўз онасини ҳақоратлаётган эркак кишидан ҳимоя қилганди холос. Ўғлим институтга ўз кучи билан бюджетга кирганди. Стипендия оларди. Орзулари бир олам эди. Ўсиб келаётган шундай иқтидорли йигитни менинг фаолиятим учун, онасининг фаолияти учун синдиришди, тақдирини чилпарчин қилишди. Бундай ҳақсизликка қандай она чидай оларди! Нима, Ўзбекистонга иқтидорли, салоҳиятли ёшлар керак эмасми? Қачонгача оддий фуқаролар пулдор корчолонларнинг истаклари қурбони бўлиб қолаверади?!- куюнади она.

Ўзбекистон қонунларида фарзанд ота-она учун жавоб бермаслиги уқтирилади. Бироқ адолат истаб бош кўтарган оналарни болаларини бадном қилиш орқали жазолаш бу тузумда биринчиси ҳам эмас, охиргиси ҳам бўлмаса керак...

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА

“Аҳмадбой” мамлакатнинг юзи- қозонда бори чиқади. Ҳар биримизда Бахиллик куртак очиб барг ёзиб мева тугуб кетганининг аломати- “Аҳмадбой”.

Ҳеч ким Аллоҳга қарз бермайди- баландпарвоз айтмасдан оддий айтилса: ҳеч ким физик ё химик ё биолог ё тарихчининг лойиҳаси амалга ошиши учун қарз бермайди, йўқ, ҳамма пулини икки ҳисса кўпайсин дейди.

Ҳеч ким, масалан, Берунийнинг ҳали чоп этилмаган китобларини нашр қилдириш учун пул бермайди, йўқ. (Яна твю радиою газетада чикиб олиб буюк аждодларимиз бор деб “мақтанамиз”. Инфо учун: Берунийнинг камида 40 дан ортиқ китоби дунё кутубхоналарида чанг босиб ётибди ва бундан кўпроқдир ҳам. Фақат ўткан асрнинг 60 йилларида 2 тагина китоби ўзбек тилида нашрдан чиққан.)

У пулини чет элга ўтказиб, қайси гўргадир яширади. Агар кимдир лойиҳалар учун пул бераман деса, у “шубҳа” остига олинади, агар яна “ёқмай қолса, шу бойваччанинг “уйи” қуяди. Фикр тараққиёти учун пул беришни ҳеч ким тарғиб қилмайди. Бунинг учун имкониятлар ҳам очилгани йўқ ва ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаса керак. Ва шуниси ажабланарлики, тараққиёт ҳеч кимга керак эмас. Чунки АВРАЛ бор жойда ҳеч қачон тараққиёт бўлмайди.

Ўткан йилнинг шу ойида Американинг Санкт-Петербург шаҳрига боргандик, шаҳарчадаги жамоатчилик радиосига кирдик. Радио биноси 1979 йилда қурилган экан, унга кетган миллион пулни халқ берибди. Ноёб усулда қурилган радиони айланб – томоша қилиб юрганимизда учта кампирга дуч келдик. Улар ушбу жамоатчилик радиосига 100 минг атрофида ёрдам пули беришмоқчи экан. Биз ҳайрон қолдик, лекин бу



“АҲМАДБОЙ” МАМЛАКАТ ЮЗИ-ТЕЛЕЮЛДУЗ

наrsa америкаликлар учун табиий наrsa экан.

16 асрдан кейин Туркистонни инкирозга кетиб уни империя босиб олиб бойликларни ташиб кетгани, ерликларнинг ўз-ўзига бахиллик қилгани эди. Йўқ, империя зулм қилмади, ўзимиз айбдор эдик. Империя бойликни ҳам ташиб кетди ҳам ерлик аҳолидан бож ундириб, солиқ солиб рус-тузем мактабларини курди, темир йўл ўтказди. Ва яна миннат ҳам қилди.

Биламизки, ўткан асрларда жадидлар миллатдаги тўю ҳашамлардан дод дейишган, бежизга эмас эди. Тўй-ҳашамларнинг кўплиги сахийлик меваси эмас, аксинча исроф ва бахиллик натижаси, бу эса инсондаги энг қабих ҳайвоний сифат. Инсон қадрини ўртадан кўтарилган, биз бир-биримизга бўрилардек қараймиз, сал имкон бўлса бир-биримизни ғажиймиз-буни шу кунларда “Аҳмадбой” мисолида кўряпмиз.

Аллоҳнинг мўжизаси шу бўлса керак: кадр кечаларидан бирида

ойнаи жаҳон орқали “Аҳмадбой” сифатли юзимизни ўзимизга кўрсатяпти. Биз яна уялмасдан рўза тутамиз, яна уялмасдан кадр кечасини тунларни титиб бўлса-да ахтарамиз. Ахир ўзимиз ўзимизнинг қадримизни ерга ураётган бўлсак, само эшиклари очилиб Аллоҳнинг давлати қалбларга қандай энсин?! Ахир бахиллик урчиб кетган элатга кўкдан кадр-давлат энадими?

Ахир шундоқ ҳам юртда одам қадрини бир тийинчалик қадр-қийматга эга бўлмаса. Одамдан кўра Пулнинг “қадрини” бор. “Жануб вилоятларида чироқ йўқ, чироқ йўқ жойларда иқтисод ривожланганими, ёки туман ҳокимининг қўли боғланганими ёки уни жин чалганими, битта лойиҳа қилиб ва унга пул топиб туманини бир-икки ойда “ленин” чироғини ёндириб ўт олдира бўлади.”- дейди битта политехника институти талабаси. Яна битта талаба: “Қанийди, менга, масалан, ижод фонди ҳомийлик қилсаю, инглиз тилидан фалон китобларни таржима қилсам”- деб хаёл қилади. Битта тарихчи: “Қанийди, оиламдаги моддий муаммоим бўлмаса-да, 17-19 асрлардаги ижтимоий- сиёсий аҳволни битта китобда ёритсам”- деб хаёлпарастлик қилади. Битта астроном, қанийди кимдир менга ҳомийлик қилсаю мен коинотдаги вазиятларни ўргансам, деб ҳамшишасига гапвозлик қилади. Ва яна, яна бундай мисоллар тугамайди...

Facebook.com ижтимоий тармоғининг «Адабиёт манзаралари» гуруҳидан олинди.





Истанбулдаги терактни Россия, Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари амалга оширган

Истанбулдаги терактни Россия, Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари амалга оширган бўлиб, улар саккиз киши эдилар, дея 30 июнь куни хабар беради Туркия ҳукуматига қарашли Yeni Şafak газетаси.

Полиция маълумот беришича, дея хабар беради Yeni Şafak, илгари Доку Умаровга хизмат қилган, унинг вафотидан сўнг эса “Ислом давлати”га қўшилган чеченистонлик Россия фуқароси Ахмет Чагаев терактни режалаштириб келган.

Аэропортга ҳужум қилишда саккиз террорчи иштирок этган, уларнинг учтаси ўлдирилган, биттаси қўлга олинган, тўрттаси қидирувда. Уларнинг учтаси станбулга 25 май куни келишган. Ҳужум режасини Ақсарай даҳаси Хорхор кўчасидаги уйда тайёрлашган. Ҳужум куни террорчилар савдо маркази ёнида таксига ўтириб, аэропортга йўл олишган. Улардан бири, чеченистонлик (доғистонлик деган тахминлар ҳам бор) Осман Вадинов аэропортдаги полициячини эътиборини ўзига тортган ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишни талаб қилган. Бунга жавобан террорчи ўқ отишни бошлаган. Полиция унга ҳамда Калашников автоматидан ўққа тутишни бошлаган шерикларига қарата ўт очган. Терорчилардан бири ўзини портлатиб юборган. Кейинроқ полиция терорчилардан иккита Калашников автомати, иккита тўппонча ва қўлбола бомбаларни топган.

Истанбулдаги терактдан сўнг 16 манзилда махсус операция

ўтказилиб, Отатурк аэропортида терактга алоқадорликда гумонланган 13 киши ва шу жумладан, уч нафар чет эл фуқаролари қўлга олинган. Қўлга олинганларнинг ҳаммаси медицина кўригидан ўтказилиб, Истанбул полицияси бошқармасига олиб келинган.

Эслатиб ўтамиз, Истанбулдаги Отатурк аэропортида 28 июнь куни соат 22.00 да амалга оширилган теракт натижасида 41 киши ҳалок бўлган, уларнинг орасида ўзбекистонлик Самат Муҳиддинов ва 22 ёшли наманганлик Абдоржон Устабоев бор.

Туркиянинг Haberturk нашрига ишорат билан «Озодлик» радиоси хабар беришича, наманганлик йигит Истанбулда тижорат билан шуғулланиб келган. Фожаи содир бўлган куни у Отатурк аэропортига келган ва Абдоржон таксидан чиққан пайтда бомба портлаган. Йигит ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлган. Ҳозирча террорчилик ташкилотларидан бирортаси ҳам теракт учун масъулиятни ўз зиммасига олмаган. Туркия бош вазири Бинали Йилдирим ҳужум ортида Ислом давлати турибди, деб билдирган.

Туркия расмийлари маълумотига кўра, касалхонага етказилган 239 ярадордан 109 нафари уйига қўйиб юборилган, 130 киши эса шифокорлар назоратида қолмоқда.

Шу кунларда Туркияда умуммиллий бир кунлик мотам эълон қилинган, бутун мамлакат бўйлаб барча байроқлар тушириб қўйилган.

Манба: “Фарғона” ахборот агентлиги

Ақллилар мамлақати

Прагадаги масжидда ифтор қилдим. Масжид қавми асосан ўзбеклар.

Журналист эканимни билган давра Ўзбекистонда нима гап деб савол берди.

-Минор масжидида тумонат одам йиғилиб ифтор берилди. Дастурхон мухташам, дея гап бошлаганим он бошқалар гапимни илиб кетишди.

-Ўзбекистон зўрда, исломобод деган шу бўлса керак....

Мен гапимни давом эттириб Минор масжидидаги ифтордан бир кун ўтиб масжидларда ифтор бериш тақиқланибди, деганим он даврадошлар яна тилга кирди.

-Тўғри қилишибди тақиқлаб. Масжидда ифтор бериш бизда одат эмас. Уйларда, тўйхоналар ва кафеларда ифтор қилаверамиз.

— Ресторан, кафе ва тўйхоналарда ҳам ифтор тақиқланган дедим.

— Э ака ресторан ибодат жойи эмаску. У бир ароқ ичиладиган мусиқа кўйилладиган макрух маскан. Шу ҳукуматиимизни билгани билган. Қолаверса ресторанда тўқлар, тўқларга кўз-кўз қилиш учун ифтор беради. Тўғри қилибди тақиқлаб, пайғамбаримиз замонида ресторанда ифтор берилмаган.

Гапни дунёвий мавзуларга бурдим.

-Арманистонда электр 16 фоизга қимматлагани учун халқ кўчага чиқиб 4 кундан бери намоиш қиляпти, дедим.

— Маладец арманлар. Электрни қимматлаган ҳукуматга ана шунақа муносабат қилиниши керак, дейишди даврадошлар.

-Ўзбекистонда ҳам электр ошди, бунинг устига кунора ўчади дедим маюс бир тарзда.

-Ҳа деб Ўзбекистонни ёмонлайвермангда энди амрикон радиосида ишлайман деб. Мана ота-боболаримиз даврида чироқ бўлмаган. Қоронги тушиши билан уйкуга кетишган. Момоларимиз хурсанд ва серфарзанд бўлган, қолаверса электр кўзга зарар..

Даврадошим яна гапирмоқчи эди аммо имом таровех ўқишга чақириб қолди.

Қандай ақлли ватандошларим бор деган фикр кўнглимдан кечди.

Шухрат Бобожон
«Озодлик» радиоси ходими

“Молиядагилар мендан “Икки ёшгача болалар нафақаси олаяпмиз” деган тилхатга қўл қўйишимни талаб қилишди...»

Самарқандлик Дилшод Каримовнинг фожиаси шундаки у президент Каримовга “хеш”эмас, шунчаки фамилиядош.

Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги Олтиўғил ҚФЙга қарашли Тортувли маҳалласида яшовчи Дилшод Каримовнинг айби қўли калталиги.

Дилшоднинг бор гуноҳи туман прокурорига ариза ёзиб қўйгани...

Дилшод Эрназаровичнинг камчилиги ҳақ-хуқуқ истагани, талаб қилгани...

Бу қишлоқ боласининг қусури оқ-қорани танигани, аризабозлик қилгани...

Мана, энди Дилшоднинг ёзган шикоятлари касрига оила аъзолари қолиб ўтирибди экан.

Ўзбекистонда шундайин бир ёзилмаган тенденция бор: кимда-ким шикоят ёзса ўша одамга нисбатан молиявий босим қўлланилади.

3 фарзанднинг отаси Дилшод Каримов аксарият Ўзбекистонликлар қаторида ишсиз. Асосан, мардикорлик қилиб кун кўради. Болаларини ҳам мардикорликнинг ортидан боқади.

Дилшоднинг умр йўлдоши Дилноза Холиева ҳам ҳеч қаерда ишламайди.

Уй бекаси. Уч фарзан тарбияси билан машғул.

Дилшод билан Дилноза 2015 йилнинг май ойида эгизак фарзандли бўлишганди.

Эгизак бўлганлиги сабаблими, чақалоклар нимжонроқ туғилди.

Эр-хотин ишсиз эмасми, энди оила аравасини тортиш, уч болани едириб-кийдириш мушкул бўлиб қолди.

-Яхшиямки Президентимиз “2 ёшгача бўлган болалар нафақасини чиқариб қўйган экан” деб мен эгизакларимга нафақа пули беришларини сўраб Тортувли маҳалла раиси Бектош Тожиевга мурожаат қилгандим, — дея гап бошлайди Дилшод Каримов. — 2 ёшгача болалар нафақасини чиқариб беринг десангиз, буларнинг топган гапи “лимит йўқ, лимит йўқ”. Шундан бошқа гапни билмайди булар. Қаловини топганлар, ўзига тўқлар йўлини топиб олиб ётишибди. Биздай ночорларга келганда “лимитлари



тугаб қолади”. Жаҳлим чиқиб кетди. Кейин Нарпай туман прокурорига шикоят ёздим. Энди билсам, шикоят эмас, ўз азобларимга фатво ёзган эканман-ай!.... Бу, болалар пули туман молия бўлимига қарашли бўларкан...., — суҳбатдошимизнинг ҳасратлари тугай демасди...

Балки шу сабабдир, Нарпай туман прокурори Дилшод Каримовнинг шикоятни тепасига “Қонуний ҳал этилсин” деган имзо билан туман молими бўлимига копток қилганди.

Нарпай тумна молия бўлими мутасаддилари ҳам “қонуний ҳал қилишнинг” ҳаддини олишган экан чамаси, Дилшоднинг олдига бир парча қоғоз кўтариб келиб қолишди:

-Молия бўлимидагилар менга “2 ёшгача бўлган болалар нафақасини олаяпмиз” деган мазмундаги тилхатга қўл қўйиб беринг. Шундай қилсангизгина сизнинг болаларингизга кейинги ойдан бошлаб 2 ёшгача нафақа тайинланади дейишди, — дейди Д. Каримов суҳбатни давом эттирар экан, — “Нега олмаган нарсамга қўл кўярканман? Олдин болалар пулини беринглар, имзо қўйиш қочмайди” дедим, имзоламадим. Шу-шу 2 ёшгача бўлган болалар пулидан мана, бир йилдирки, дарақа йўқ. Менинг бормаган, ёзмаган жойим қолмади. Оқибатда эса ўша Олтиўғил ҚФЙни раиси Саидмурод Жабборов, Тортувли маҳалла раиси Бектош Тожиевлар менинг овозимни ўчириш мақсадида ўзоро тил бириктириб,

менга молиявий босим ўтказишга тушиб кетишди.

-Молиявий боисм дегани қанақа бўларкан? – сўраймиз қизиқсиниб.

Уйимизга биринчи бўлиб туман электр тармоқлари идорасидан тафтишчиларни сафарбар қилишди. Яхшиямки, ойма-ой электр энергияси ҳақини тўлаб борганимиз. Бор-йўғи 100 000 сўмгина қарзимиз бор экан. Тўлаб қўйдик. Кейин солиқ идорасининг ходимларини “ташлашди”. Ер солиғи, мулк солиғи дегандек... Бу режалари ҳам иш бермагач, мана, бугунги кунда 27 ёшли укам Урол Рўзиевга ҳамда, отамнинг укасини, яъни амакимнинг 27 ёшли ўғли Элдорга тайзиқ ўтказишни бошлаб юборишди. ҚФЙ раиси, маҳалла раиси билан биргаликда маҳалла поспони ҳамкорлигида Нарпай туман мудофа ишлари бўлими ходимларини бошлаб келишди. Мудофа ишлари бўлими вакили “Урол ва Элдор бир ойлик ҳарбий хизмат учун ҳар бири давлатга зудлик билан 3 миллион 800 минг сўм миқдориди маблағ тўлаши лозим. Акс ҳолда ишни судга ошириб, суд ижрочилари қўмағида ҳовлингиздаги молингиз борми, жонингиз борми, мусодара қилиб кетамиз” деб оёқ тираб туриб олишган, — дея қуйнади Дилшод, — Туман мудофа ишлари бўлими ходимларининг ёдига укам 27 ёшга тўлганидан кейин тушиб қолдимикин? Бизнинг қурбимиз қарийб тўрт миллион сўм тўлашга етганида эди, маҳаллага “236 минг сўмлик 2 ёшгача бўлган болалар нафақасини чиқариб беринг” дея ялиниб борган бўлармик?! 2 ёшгача болалар пулини сўраб, бошимизга шунча ғавво ортириб олдик. Энди укамнинг 1 ойлик ҳарбий хизмати учун салкам 4 миллион сўм тўлашимиз керак бўлаяпти. Биз эса тўлай олмадик. Айиганларидек, энди уйимизга суд ижрочиларидан тўлашимиз хусусида хат келиб турибди.... Энди ўйлаб қарасам, 2 ёшгача болалар нафақасини ҳар ойда 236 минг сўмдан чиқартирганимда ҳам, қўлга 236 минг сўм тегиши қайда, светга қайтариб қолишади, одамларнинг кўлига 200 минг сўми

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тегади, халос. 200 минг сўмдан 2 ёшгача бўлган болалар пули 2 йилда 4 миллион 800 сўм бўларкан. 4 миллион 800 минг сўмни ҳар ойда бўлиб-бўлиб олиш учун мана, энди сал кам тўрт миллион сўмга тушиб ўтирибмиз. Йўқ, қаранг-да, шу болалар пулини бойлар, пора қистирганлар олиб ётибди. Масалан, мен 6 ойга моддий ёрдам ёздириб олиш учун маҳалладагиларга 80 минг сўм пора бергандим. Ўша моддий ёрдам пулиниям 3 ой бериб, қолган 3 ойини узиб қўйишди. Одамлар бор, 150-200 минг сўм беради, яна бир ойлик бола пулидан кечади, кейин ундайларга 2 ёшгача болалар пули чиқариб беришади. Энди нима қилишни билмай, бошим қотган.... Ўзи Нарпай туман молий бўлимида тумнадаги 56 та маҳалладаги оилаларнинг молиявий аҳолини урганиб чиқиш ва хулоса беришга масъул Анвар ака деган киши бор(тел:

+99894 4780686). Ёки бизнинг Тортувли маҳалламизга туман молия бўлимидан оилаларнинг ижтимоий аҳолини урганиб, 2 ёшгача болалар пулига, моддий ёрдамга, 16 ёшгача бўлган молалар пулига муҳтож оилаларни аниқлаш ва бундай оилалар хусусида хулоса ва тавсияномалар беришга масъул этиб қўйилган ўша Дилшод аканинг ёрдамчилари Отабек (тел: +99894 4720172) ҳам бор. Улар менинг ночорлигимдан хабардор. Бирок, қўлим калталиги сабаб мени эшитишни исташмайди. Ҳамма ишнинг қалити Тортувли маҳалла котиби Ўлмас Бобомуродовда (+99894 2829565). Ўлмаснинг кўмагида маҳалладагиларнинг, ҚФЙдагиларнинг томоғини ёўлаб турсангиз, олам гулистон. Энди менга нима қил дейсизлар? Президентга хат ёзсам қўлига тегармикан, маҳалламиздаги ебтўймасларнинг таъзирини бериб қўярмикан? – дея орзуманд бўлади Самарқнад вилояти, Нарпай тумани, Тортувли қишлоғида

истиқомат қилувчи Дилшод Каримов. (Дилшоднинг тел рақами: +99893 9978204).

Қиссадан хисса шуки, Ўзбекистонда осим, тайзику таъқиб нафақат мустақил журналистларга, инсон ҳуқуқлари фаоллари-ю муҳолифат вакилларига нисбатан, балки ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилаётган ҳар бир фуқарога нисбатан қўлланилади. Иқтисодий бўҳронлар гирдобига гирифтор қилинади.

Каримовга маҳалладагиларнинг юлғучлиги, таъмагирлигини етказиш билан Дилшоднинг мушқули осон бўлмаслигини биз биламиз, бироқ буни қишлоқнинг оддий бир боласи билмайди.

Бу тузум тубдан ўзгармаса халқнинг елкасига офтоб тегмаслигини одамлар хис қилмайди, тушунмайди.... Халқимизнинг, Дилшод каби дилзада, жабирдийдаларнинг фожиаси ҳам ана шунда...

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА

Мустақил журналист, ҳуқуқбон

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкентда ўтган ҳафта бўлиб ўтган Шанхай Ҳамдўстлик ташкилоти саммитининг яқунлари бўйича Facebook тармоғида хабар ва сурат эълон қилди.

Давлат раҳбарларининг умумий суратида ташқи ишлар вазирлиги фотошоп ёрдамида бўйи 170 см бўлган Каримовни, бўйлари нисбатан анча узун бўлган Хитой раҳбари Си Цзиньпин (180 см) ва Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон (183 см) билан тенглаштириб қўйган. Айнан шу сурат ЎЗА миллий ахборот агентлиги томонидан ҳам эълон қилинган.

Ўзбекистонда Каримовнинг бўйи яна Хитой раҳбариники билан тенг қилиб кўрсатилди

Ўз ўрнида бўйлари 170 см атрофида бўлган президентлар Владимир Путин ва Нурсултон Назарбоевлар Каримовдан калта бўлиб қолган.

Бу ўзбек фотографлари томонидан умумий суратларда президент бўйини ўзгантиришга бўлган биринчи уруниш эмас.

2015 йилда Уфа шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида олинган суратларда ҳам Каримовнинг бўйи,

бошқа раҳбарлар орасида сезиларли ажралиб турган Си Цзиньпин билан деярли тенглаштириб қўйилган. Ўшанда Хитой раҳбарининг буйи шунчалик ўзгартириб қўйилганки, натижада 180 см Си Цзиньпин бошқа давлат бошлиқлари орасида деярли энг калта бўйлисидек бўлиб қолган.

Ҳукумат агентлиги ЎЗА томонидан эълон қилинадиган Каримовнинг деярли барча суратлари диққат билан ретуш қилинади. Сочлар оқи тўқ ранглар билан бўялади ва юзга ёшроқ кўриниш берилиб, ажинлар олиб ташланади. Қолаверса “ижодкорлар” президентни “ёшартиришга” жуда ҳам киришиб кетишгандан, суратда қилинган ўзгаришлар яққол кўзга ташланиб қолади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 10-15 йилга “ёшроқ” қилиб еўрсатишга уруниладиган, 78 ёшли Ўзбекистон президенти суратларини график таҳрирлаш факатгина охириги йиллар амалга оширилмаяпти. 2009 йилда ҳам, ўша вақтда 70 ёшдан энди ўтган Каримов суратлари диққат билан ретуш қилинган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими



**Бирлашган Миллатлар
ташкilotи раиси Пан Ги Мунга
Барча давлатлар
рахбарларига
Бутун дунё оммавий ахборот
тизимларига
Бутун дунё ахлининг ор-
номусли иймон-эътиқодли ва
мурувватли аҳолисига
Бутун дунё мусулмонларига
Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси
Дуторчи тор кўчаси 22-уйда
истиқомат қилувчи Қодиров
Патхулла Убайдуллаевичдан
Тел: +99893 510-33-49; (71) 242-
69-49**

МУРОЖААТНОМА

1991 йил собиқ СССР кетгандан кейинги бошқа Республикалар қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақилликка эришди. Мустақиллик туфайли Республикада социалистик мулкчиликдан индивидуал мулкчиликка яъни шахсий мулкчиликка ўтиш бошланди. Халқимиз 70 йил ичида йиған-терган мол-мулки, уй-жойлари, завод-фабрикалари фуқаролар қўлига ўта бошлади. Бундан энг кўп фойдани коррупция кўрди. Давлат маблағлари камайган сари, коррупциянинг иштахаси очилган сари давлат мулкани талашдан фуқароларнинг шахсий мулкларини зўравонлик билан ўзлаштириш бошланди. Асосан яшаб турган уй-жой, ер-сув қиммат бўлди.

Биз яшаб турган Аллон маҳалласи бир гуруҳ маҳалла идораси ходимлари маҳалла раиси Болтабоев бошчилигида адвокат келинимиз укамизнинг хотини Қодирова Наима билан тил бириктириб, маҳалла ерларини ва маҳалладошлар уйларини ўзлаштириш бошланди. Бизнинг қимматга арзийдиган нарсаларимиз йўқ. Фақат уй-жойимиз бор эди. Булар тил бириктириб укамиз Қодиров Шавкатдан бошқа меросхўр йўқ деб уй-жойларимизни 2005 йилда биздан сўрамасдан укамизнинг номига расмийлаштириб олди. Ваҳоланки, бир ота, бир онадан туғилган 7 нафар фарзанд тирик бўлиб, шулардан бештаси бола чақаси билан рўйхатдан ўтган ҳолда шу Тошкент шаҳар Фаробий кўча Дуторчи тор кўча 22-хонадонда яшар эди. Булар уй-жойимизни ноқонуний ўзлаштириб олиб, укаларим ва

Мурожаатнома

жиянларимни уйдан ҳайдаб, рўйхатдан ўчириб юборишмоқда. Унлаб судьялар жойимиз бизга мерос, меросхўрларга баробар бўлиб берганига қарамасдан, улар судьяларнинг устидан тухмат уюштириб, қайта-қайта ишни бузмоқдалар. Бу ишларда келинимизнинг адвокатлик мақоми ёрдам бермоқда. Ноқонуний девор олиб бизларни қамоққа тикиб қўйди.

Фарзандларимиз Қодиров Мирсаид Назрилло 2005 йилда, иккинчи фарзандимиз Мирсаид Вадуд 2011 йилда туғилган. Ота-онамиз уй-жойни 4 та ўғил фарзандга тенг бўлиб васият қилиб кетганлар. Аммо, маҳалла фуқаролар йиғини раиси келинимиз Қодирова Наима билан тил бириктириб, Қодиров Шавкатдан бошқа меросхўр йўқ деб маълумотнома бериб, уй-жойимизни 2005 йилда укамиз Қодиров Шавкат номига ўтказган. Бу ишни фуқаролар суди кўриб чиқиб еттига фарзандга тенг бўлиб берди. Аммо, Қодирова Наима ва Болтабоев Сайфуллолар судьяларнинг устидан тухмат уюштириб, 2013 йилда Учтепа суди орқали уй-жойни яна Қодиров Шавкатнинг номига ўтказиб берди. Биз қолган меросхўрларнинг ҳақ-хуқуқларини шу уйда яшаб турганимизни, 1991 йилда онамиз ўлганидан кейин яна қайта-қайта қилган қурилишларимизни ҳаммасини ҳисобга олмасдан Қодиров Шавкат номига расмийлаштириб берди. Бу ишга Республика хотин-қизлар раисаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Боситхонова, Тошкент шаҳар хокими ўринбосари ва Олмазор туман хокими ўринбосарлари биргаликда келиб кўриб, ишни прокуратурага оширишди. Аммо прокуратура ишни ҳал қилмаяпти. Бориб сўраганимизда биз мунозарали ишга аралашмаймиз деб галати жавоб беришди.

Яшаётган жойимиз ғорга ўхшайди. Ҳама ёғи беркитиб ташландиган қоронғу. Устига устак канализация бўлмаганлиги туфайли уйнинг ичига чуқурлиги 12 м ли 3 та ўра қазилган. Хожатхона ва чикинди сувлар шунга кетади. Ҳаво айланадиган ва ёруғлик тушадиган жой йўқ. Буниси етмагандек укамиз

машинасини эшик тагига қўйиб, ўт олдириб қўяди. Яшаётган жойимиз кримоторияга ўхшаб қолди. Яшаш шароити бўлмаганлиги учун уйдан каламуш, илон, чаён чиқиб ётибди. Мени икки маротаба каламуш тишлаб олди. Хотинимни сочини ёйиб ухлаётган экан каламуш ўралашиб қолиб, чиқмасдан қаттиқ кўркитиб юборди. Невроз бўлиб қолди. Қуёш тушмагани учун фарзандларимизнинг кичиги рахит бўлиб қолди. Мирсаид Назрилло каламуш хар жойини тишлаб қора қон қилиб кетди. Дардимиз ўзимизга етмагандек шифокорларга олиб борсак, шифокорлар ҳазир бўлинглар, яқингинада иккита касал “Қутуриш” касали билан келишди деб кўрқитди. Шунинг учун навбатма навбат чироқни ёқиб болаларни пойлайдиган бўлди. Яшаш шароити бўлмагандан кейин кўчиб бир масжиднинг қоровулхонасига бориб олдик. Икки йил қоровулхонада яшадик. Лекин, яқинда паспорт режими текшириш бошланиб у ердан ҳам ҳайдаб чиқаришди. Уй ҳужжатларини келинимиз бизга бермаганлиги туфайли, хотиним Тошкент рўйхатидан ўта олмайди. Болаларим ҳам ўта олмайди. Шунинг учун ишга ҳам жойлаша олмайди.

Мен пенсионер ногиронман. Хотиним ишламайди. Борадиган жойимиз йўқ. Президентимиз қасам ичаётган вақтда мен фуқароларнинг ҳақ ҳуқуқини химоя қиламан деб қасам ичган эди. Қасами устидан чиқмаяпти. Бизни ҳақ ҳуқуқимизни муҳофаза қила олмаяпти. Президент ҳам Сенаторлар ҳам, хоким ва прокуратура ходимлари ҳам вояга етмаганлар ҳақ ҳуқуқини муҳофаза қиламиз деб сўз берганига қарамасдан, фарзандларимизни ҳеч ким химоя қилмаяпти.

Бу йил президент буйруғи билан “Соғлом она ва бола” йили бўлишига қарамасдан, биз ва фарзандларимизга шароит яратиб берадиган ташкilotнинг ўзи йўқ. Бизнинг ҳақ ҳуқуқимизни муҳофаза қиладиган ташкilotнинг ўзи йўқ. Олий совет Сенатини Инсон ҳуқуқини муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Акмал Саидов қайта-қайта мурожаат қилишимизга қарамасдан бизни ҳақ ҳуқуқимизни химоя қилмаяпти. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бир ишни қиламан деб,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳақини олиб, бажармаган инсонни қаллоб дейилади. Бу вазифасини бажармайдиган бўлса, бу ўринни банд қилиб нима қилади? Бизни Республика бўйича ким ҳимоя қила олади? Ҳақ ҳуқуқимизни ким тиклаб беради? Республика яқинда мустақилликнинг 25 йиллик байрамини нишонлайди. Волидаи мухтарама онамиз ўтганларига 25 йил бўлмоқда. Бу адвокат келинимиз 25 йилдан бери бизни тинчитмасдан идорама идора сарсон қилиб юрибди. Ким бизга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб беради? Шунинг учун биз мажбурмиз, дунё оммавий ахборот воситаларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилот раиси Пан Ги Мунга, барча давлат раҳбарларига, бутун дунё оммавий ахборот воситаларига, бутун дунё аҳолисини ор номусли, иймон эътиқодли ва мурувватли аҳолисига фузул шартномаси ҳурматидан ёрдам беришинларни сўраб мурожаат қиламиз.

Ўзбекистонда қонун ишламас экан деманг, қонун ишлайди фақат бизга ўхшайдиганлар фойдасига эмас. Туман ҳокими ёрдамчиси, маҳалла идорасига келди. Болтабоев Сайфуллони ҳам чақиришди. Ҳоким ёрдамчиси сўрадилар. Муаммо нимада деб. Биз тушунтирдик. Муаммо Болтабоев Сайфуллони берган ноқонуний кўрсатмалари асосида юзага келди. Биз уй-жойсиз қолдик. Бунга жавобан Болтабоев уриб башарангни ёриб ташлайман деб дағдаға қилишга тушди. Гап бунда ҳам эмас, бу жанжални тепасида турган собиқ маҳалла раиси Шокир ака ана маҳаллада жанжал чиқди, биз бу ишни судга оширамиз деб мени устимдан акт тузмоқчи бўлди. Бундай ишни улар олдин ҳам қилган эди. Чиқган одамларни устидан тухмат уюштириб судга олиб бориб 15 суткага қаматиб, қамокда калтаклаиб, ўлдириб юборишарди.

Буниси етмагандек, бизни устимиздан тухмат уюштириб хар хил оқимларга аъзо, хотини одамларни даъват қилади, даъватчи деб тухмат уюштиришди. Яхши бахтимизга маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси бу тухматларингга жавоб берасанлар. Дегани учун тўхтаб қолди. Бу маслаҳатчи янги эди. Шунинг учун

ҳам биз қутилиб қолдик. Бўлмаса булар тухмат уюштириб кейин милиция олиб келиб қамокқа тикар эди. Ичволиб Қодиров Шовкат жанжал уюштирди. Болта кўтариб ҳамма ёқни бузиб ташлади. Мажбуран 02 га кўнғироқ қилдик. Милиционерлар келиб ёзиб чизиб кетишди. Эртасига собиқ участка нозири чақирди, бўлган воқеа ҳақида ёзиб чиқинг деб. Ёзиб чиқсам укам Қодиров Ш.билан ароқ ичиб ўтирган экан, бизни ёзиб чиқган аризамизни олиб қолиб, ишни судга оширди, устимиздан нима деб ёзганини билмаймиз аммо суддан биз хайфсан олиб қайтдик. Шунинг учун бошқа 02 га кўнғироқ қилмайдиган бўлдик. Бу яшаб турган давлатда ҳуқуқларни муҳофаза қиладиган ташкилотларга ишонмаймиз.

Бир маҳалладош аёлни ҳам ишхонасини тортиб олишган эди. Сен ҳам чиқ. Вазирлар маҳкамасининг раис ўринбосари Боситхонова келар эканлар, арзингни айт десам чиқмади. Нега чиқмадинг десам, кичкина ўғлим чиқармади. Булар акамни арз қилгани учун қаматворишига сал қолди. Маҳаллада кўни-кўшнилари аралашиб олиб қолишди. Боситхонова маҳаллага келади-кетди. Муштумзўрлар маҳаллада қолаверади. Улар Боситхоновани ҳам, уни маҳкамасини ҳам сариқ чақага олмайди. Яхши ҳам чиқмаганим, келинимиз Қодирова Наима ҳамтовоқлари билан масҳара қилиб, болалар давлат ҳимоясида эмиш, қани ўша давлат деб қулишди. Туманимиздан кадастр ходими ўзини осди. Кетма-кет иккита туман ҳокимини қинғир ишлари учун Президентимизнинг ўзи ишдан олди. Ҳокимлар олиндику, аммо илдизлари ҳамон бизларни таламоқда. Хўп бу ишлардан прокуратура ходимлари беҳабар эдими? Мана прокуратурадан келган жавобни сизга илова қилмоқдаман.

Олмазор тумани прокуратура жавобидан 1-қисми, Олмазор тумани ДСЭНМ мутахассислари иштирокида уйингизда ўрганиш ўтказилганида, у ердаги шарт-шароитлар оилангиз аъзолари ўртасида турли қасалликларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмаслиги маълум бўлиб, “Аллон” МФЙ раисига туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда аниқланган камчиликларни

бартараф этилишида амалий ёрдам бериш ҳақида хат юборилди.

Ваҳоланки, турли қасалликлар чиқиб бўлган эди. Шундан мен Сизлардан ёрдам сорамоқдаман. Уй-жой бировнинг номида бўлса, прокуратура жавобидан ҳам кўриниб турибди. Бизга қандай қилиб “Аллон” МФЙ раиси ёрдам бериши мумкин. Бу прокуратура жавоби ҳаводан олиб ёзилган. Биз норози бўлганлигимиз туфайли юқори ташкилотларга мурожаат қилган эдик. Шикоятимиз Республика Бош прокурорига юборилган эди.

Тошкент шаҳар Қоунчилик ижроси устидан прокурор назорат бўлими бошлиғи адлия маслаҳатчиси Б.А.Пайзиев “Жовобдан норози бўлсангиз юқори турувчи прокуратурага мурожаат қилиш ҳуқуқингиз бор” деб ёзибди. Биз аризамизни Б.А.Пайзиевга эмас, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаевга ёзган эдик. Биз прокуратура ишидан норозимиз. Президентимизнинг тавсияси билан Сенатга прокуратура ишини текшириш рухсати берилган эди. Прокуратура ишини сенат текшириши керак эди. Ҳоҳлаган жавобини ёзиб бизни сарсон қилди.

Бош вазир ўринбосари томонидан Ўзбекистон адвоклатлар палатасига ҳам аризамиз юборилган эди. Жавоб ололмасдан, адвокатлар палатасига бордим. У ердан “Адвокатлар дахлсиз шахс, улар қонунни билади, сенлар қонунни билмайсанлар” деган жавобни оғзаки эшитдик. Бу дахлсиз шахслар хоҳлаган ишини қилиб юраверса, бизнинг оиламизни ким ҳимоя қилди. Биз Ватанимизни севамиз. Ўзимиз сайлаган Президентимизни ҳурмат қиламиз. Мачитларда домлаларга кўшилиб, ҳар номозимизда ҳақларига дуолар қиламиз. Аммо, биз бутун дунё ҳамжамиятига мурожаат қилишга мажбурмиз. Чунки, бизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни ҳеч ким ҳимоя қилмаяпти.

Шунинг учун сизлардан илтимос бизларга ёрдам беринг.

М у р о ж а т н о м а м и з н и ЮНЕСКОда ишлайдиган чет тилларга ўгиришга ёрдам беришингизни сўрайман.

Қодировлар оиласи номидан
Қодиров П.У.
13.06.2016 йил

Самарқандга акам билан бирга гръжа (чурра) касаллигини операциясиз даволовчи шифокор, тиббиёт фанлари номзоди профессор Абдуғаффор Дўсонов қабулига кириш учун борган эдик.

Акам шифокор қабулига кириш мақсадида 3 кун олдин навбатга ёзилиб қўйган экан. Шифокор беморларни ҳар куни соат 16-30 дан кейин қабул қилар экан. Биз Тошкентдан Самарқандга соат 14-00 да, шифокор қабул қиладиган манзилга эса 14-30 да етиб бордик. Ҳовлида одам гавжум. Уёғи Сурхондарё-ю Хоразмдан, буёғи Тошкенту Қозоғистондан борган беморлар. Биз 28 июнь кунига қабулга қирадиган эркаклар рўйхатида 1-чи эканмиз. Анча хурсанд бўлдик. Кимдир шу куннинг ўзида рўхатга ёзилапти. Кимнидир қариндошлари кўтариб, яна кимнидир эса етаклаб келяпти. Улар орасида оёғини аранг босиб кириб келаётганлар ҳам, тетиклари ҳам бор.

Соат 17-00 да ҳаммамиз орзиқиб кутган шифокор келди. Биз рўйхат бўйича биринчи навбатдамиз деб хурсандмиз. Аммо хурсандлигимиз узокқа чўзилмади. Шакланган одатга кўра шифокор аввал хотин-қизларни қабул қилар экан. Аёлларни кўриб бўлгач эркакларга ўтаркан. Орада бир неча дақиқа ўтгандан кейин аёлларни қабул қилиш бошланди. Қабулхонанинг пардалари мустаҳкам ёпилди. Иккинчи хонадан эса навбат кутиб турган аёллар жой эгаллашди. Биз эркаклар ҳовлида кутиб турибмиз. Бирпайтичкарийдана аёлларимизнинг бирин-кетин йиғилари эшитила бошлади. Кимдир «Оёғим, оёғим, бўлди, туширинг, бармоғим узулиб кетади» деб йиғлади. Яна қайсидир аёл эса худди эридан жудо бўлган азадор аёлдай хонани бошига кўтариб «Шу ёшга келиб, оёғимни осмонга қаратиб осиламан деб ўйламагандим. Туширинг, вой белим, оёғим, Грижа бўлмай мен ўлай. Ўлдим, ўлдим, тамом бўлдим, тамом бўлдим» деб аюҳаннос солиб йиғлади. Биз эркаклар сигаретамизни оғзимизга қистириб бурқситиб, носимизни тилимиз тагига ташлаб олиб аёлларимизнинг йиғисидан қаҳқаҳа отиб куламиз. Яна масхара қилиб ҳам қўямиз...

Бирин-кетин муолажаси тугаган аёллар чиқа бошлашди. Энгашиб, оёғини зинапоядан аранг кўтариб кирган аёлнинг кўзи ёшли бўлишига қарамай умумий аҳволи

20 дақиқа олдинги ҳолатидан анча яхши, оёғини босиб чиқиб келди. Хулласи калом шифокор соат 19 дан ўтганда аёлларни тўла қабул қилиб бўлди, энди навбат биз эркакларга келди. Эркакларни қабул қилиш бошланганда қабулхона ойналаридаги пардалар ва ойналар кенг очилди. Рўйхатда олдинги қаторларда турган 5 нафар эркак хонага киришди. Ярим яланғоч ечинди. (Аёллар кирган пайтда ҳамма пардаларнинг мустаҳкам ёпилгани боиси аниқ бўлди). Шифокор ва унинг ёрдамчилари ишга киришди. Даволаш усули: ярим яланғоч ечинган бемор оёғининг чап ва ўнг бош бармоқлари газлама билан боғланди, сўнгра мустаҳкам пресс ип 4-5 қават қилиниб ўша ип билан



АЛЛОҲ КАСАЛЛИККА ГИРИФТОР ҚИЛМАСИН!

чап ва ўнг бош бармоқлар бирига жипслаштирилди ва бор куч билан боғланди. Ундан кейин беморнинг боғланган бармоқлари 4 киши ёрдамида томдан тешиб туширилган ва шифтда осилиб турган тросс арқон учидаги илгакка осилди. Беморнинг оёғини осмонга, бошини ерга қаратиб осиб қўишди. Дод-вой бошланди. Дастлаб врач ёрдамчилари беморнинг чурра жойлашган аъзоси атрофини, сўнгра оёқ қисмини ёғлади. Биз ташқаридаги эркаклар ойнадан мўралаб томоша қиляпмиз. Ана ундан кейин шифокор ва унинг ёрдамчиси беморни бақиртириб, унинг баданини муштлири билан уқалай бошлади ва ора-сирада танасини шapatiлатиб урди. Муолажа 7-10 дақиқа давом этди. Тугагач беморнинг оёғидаги ип кесилди ва яна 4 киши ёрдамида ерга туширилди. Бемор ерга тушгач 5 дақиқа узунасига чўзилиб ётди ва аста ўрнидан туриб кийимларини кийиб хонани тарк этди. Тамом. даволаш усули шундай...

Мени ҳаратлантирган нарса: оёқнинг икки бош бармоғи бутун бошли танани кўтаргани бўлди. Шифокордан бармоқлар сирини сўрадим. Айтишча, оёғимиздаги бош бармоқлар 500 килоли юкни бемалол кўтара оларкан. Яна бир ҳайратлантирган нарса шу бўлдики, биз эркаклар ҳар

қанча чирансак ҳам аёлларга нисбатан сабрсизроқ эканмиз. Аёлларимизнинг дод-войга яқин бўлса-да биздан бардошлилигига тан бердим. Бундай дейишимга айрим эркакларнинг 7-10 минут бармоғи билан осилиб туришга чидай олмагани сабаб бўлди. Бир барзанги эркак 3 минут ўтмай хўнграб юборди. Оёғини ечмагани, пастга туширмагани учун шифокор ёрдамчиларининг энасини сўка бошлади. Натижада 5 минут ҳам бўлмай «дор»дан туширилди.

Хуллас, шахсий кузатувларим жараёнида шу нарса аён бўлдики, шифокор хузурига эмаклаб, оёғини судраб кирганлар орасида шахдам юриб чиққанлари ҳам, киришдан олдин қандай аҳволда бўлса шундай ҳолатда чиққанлар ҳам бўлди. Акамнинг умумий аҳволи эса, Аллоҳга беадад шукр, анча яхши. Оёғини бемалол босяпти.

Ҳа, нархи билан ҳам қизиқадиганлар бордир. Ҳар бир кишига 60 минг сўм экан. Аслида грижа хасталиги ҳам ёмон хасталик экан. Бунга беморларнинг аҳволини кўриб иқрор бўлдим. Энг яхшиси, ҳеч кимнинг бундай жойларга иши тушмасин. Аллоҳим бандаларини ҳеч қандай касалликларга гирифтор қилмасин!

Рўзбой Азимий
Facebook.com ижтимоий
тармоғидан олинди



«Оқ фотиҳа бериб, кузатган Сиз эдингиз!..»

Сайид Немадуллоҳ Иброҳим олтинчи бир ёшда

Немадуллоҳ ака, эсингиздами: Институтни битиргач, азбаройи тирикчилик гирдобига тушиб қолишдан кўрқаним сабаб, туғилган юртимга берилган йўлланмани рад этиб, уйдан бир қадам олис Ҳисорда ўқитувчилик қилаётган кезларимда Сиз билан иккинчи бор учрашиб, илк бор танишгандик.

Сиз билан, дастлаб, адашмасам, олтинчи синфда ўқиб юрганымда учрашганман. Чунки, Акам билан бир курсда ўқирдингиз ва бир неча курсдошлар билан бирга уйимизга меҳмонга келган эдингиз. Унда ҳали ақлимни танимаган пайтларим эди.

Бундай дейишимга сабаб, бирор зиёлинамо одам дуч келди дегунча, Акамнинг бир имоси билан унга Маяковскийнинг “Совет паспорти ҳақида шеър”ини бор овозда, хол-жонига қўймай ўқиб берардим.

Ўшанда Акамнинг курсдошлари, жумладан, Сиз, кулоғингиздан тутун чиқиб кетгудек бўлса ҳам, ўзингизнинг иборангиз билан айтганда, оғзингизни очмаган ҳолда эснаб, мени тоқат билан эшитардингиз ва “бўлажак шоир”нинг кўнглини чўқтирмаслик мақсадида, ўзингизга хос мулойимлик билан “қойил” қолардингиз.

Хайрият, Худо инсоф бериб, бу одатимни бора-бора тарк этдим. Алҳол, бирор нотанишроқ даврада кимдир шеър ўқишимни сўраса, бу менга ҳақоратдай туюлади...

Ўшандан буён, орадан ўттиз йилдан ортиқ фурсат ўтди, аммо, орамиздан на қил ўтди, на бирор эшак.

Ҳисорнинг чекка бир қишлоғида ўқитувчилик қилардим. Икки йиллик “отработка” муҳлати тугади. Билмадим, нима учундир қишлоққа қайтишимни ўйласам, юрагим орқасига тортиб кетарди...

Ўшанда жонимга шодлик бағишлаган Сиз эдингиз,

яъни, жумҳуриятда ўзбек тилида чиқадиган ягона газета – “Совет Тожикистони” (ҳозирги “Халқ овози”)да ишлардингиз ва мендай бир бенавони ўша газетага ишга жойлаштиргансиз.

(Гарчанд, “Аскарни ҳам, Садриддинни ҳам, Одилни ҳам... елкамдаолибюрманман” дегувчилар бор эса-да, бу жараён бошида Сиз ва Абдусаттор (Аҳмадалиев) ака тургандингизлар).

Бошқаларни билмадим аммо, мен журналистика соҳасида ҳозиргидан ҳам хароб эдим.



Сизнинг шарофатингиз ва беминнат ёрдамнингиз билан бу касбни озми, кўпми, ўзлаштириб, “соқчиларни ўғрилар дорга осадиган” (Ж.Румий) муҳитдан еру осмон қадар фарқ қиладиган соф адабий муҳитга ошно бўлдим.

“Совет Тожикистони”да икки йилдан ортиқроқ ишлаган бўлсам, бу муддатда шаҳардан олисроқ Ленин (ҳозирги Рўдакий бўлса керак) районида жойлашган ҳовлингиздаги ёруғ меҳмонхонада беармон яшаганимни ҳали-ҳамон мамнуният билан эслайман.

Зеро, умрнинг саноғи ва салмоғини узун-қисқа сониялар ва дақиқалар ордидан жонхалак чопаетган, гоҳ ёнимиздан, гоҳ жонимиздан ўтиб кетгувчи Вақт эмас, балки, Мазмун белгилар экан, мен букун бор овозим билан, атрофга алангламай, баралла айтишим мумкин: Ўз уйимда ҳам Сизнинг уйингизда яшаганчалик узоқ яшамаганман...

Ўзбек тилида ижод қилгувчилар учун ягона адабий муҳит Тошкент эканлигини уқдирган, раҳматлик Асқарали ака билан “чўнтагимиздаги энг сўнгги тангаларни суви чикқунча гижимлаб” (Асқар Маҳкам ибораси) Тошкентга равона бўлганимизда оқ фотиҳа бериб, маънос кузатган ҳам Сиз эдингиз!..

Бир донишманд шоирнинг гапини бизга кўп такрорлардингиз: Яъни, чинакам гўзалликни кўрганда, завқу хайратдан беихтиёр қарсак чалиб юбормаган одам – одам эмас! Умрингиз давомида Сиз кўнги аҳлига армуғон этган ирфоний ҳодисалардан завқланиш ва хайратланиш билан бирга, Тожикистондаги айни пайтдаги ўзбек адабий муҳитида қарийб унутилаёзган удумга риоя қилган ҳолда, Сиз билан ҳақли равишда фахрланаман!

Икки оламингиз, тўрт фаслингиз, олти томонингиз, беш сезгингиздан ташқари яна беш сезгингиз, бир неча фарзандларингиз бор. Танишларингизнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Аммо, сўзингиз, Дўстингиз – Ягона! У ҳам бўлса – Биру Бор! БИРингиз икки, БОРингиз йўқ бўлмасин!

Одил Икром
Манба: facebook.com

Туркия раҳбарининг ўрис ҳамкасбига йўллаган номасининг таржимаси устида кечаётган баҳсларни ўқир эканман, бир вақтлар хизмат хонадаги столим устига ётқизилган органик ойна остидаги тегишли маълумотлар билан бир қаторда хошияга олинган эслатма-ёзувни эсладим: «Из-за неправильного перевода начинаются войны».

Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин, деб шунга айтадилар.

Ҳар қандай мактаб ўқитувчиси математика, она тили, география, расм дарсларини бир хилда яхши ўқита олиши эҳтимолдан қанчалик йироқ бўлса, тил билган ҳар қандай кишини моҳир таржимон эканлигига ишониш ҳам, шу қадар қийин кечади. Таржимонлик йирик даромад келтирадиган соҳа эмас, албатта. Шу боис, айрим таржима агентликлари ёки таҳририятлар ҳар қандай матн таржимасини ўз зиммасига олаверади: ҳазин

натижани олдиндан кўриш эса қийин кечмайди. Шундай мавзулар борки, уларни тор соҳанинг жуда озчиликни ташкил этадиган мутахассисларигина таржима қила олиши мумкин. Айрим

Сиёсий мавзуга оид матнлар таржимаси билан ҳазил – ҳаромдир!

«таржимон»ларнинг техник, иқтисодий, юридик, тиббиётга оид, реклама ва ҳар қандай бошқа мавзуларга оид матнларни профессионал даражада таржима қилиб беришга тайёр эканлиги кишини ҳайратга солади. Уларни қандайдир оркестр-одамдай тасаввур қилиш керак.

Кези келганда ҳаммамиз ҳам гапни обдон ўйлаб, ўринли сўз танлаб гапиришга (ёзишга) мажбур бўламиз. Профессионал таржимон эса бу иш билан кун сайин, эрта тонгдан кечгача машғул бўлади.

Сўзни тўғри танлаш таржимонлик касбининг асосий мазмунидир. Дунё классикларининг асарларини болалиқдан она тилимизда ўқиб келар эканмиз, асар қаҳрамонлари аслида қайси тилда мулоқот

қилишганини гоҳо хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз.

Ёзишни билган ҳар қандай одам ёзувчи бўла олиши адолатдан қанчалик йироқ бўлса, икки тилни билган ҳар қандай инсон таржимон бўлиши ҳақиқатдан шунчалик узоқ эканлигини ҳаётнинг ўзи яна бир бор исботлаб берди.

Айниқса, ҳарбий-сиёсий мавзуга оид матнлар таржимаси билан ҳазил – ҳаромдир!

Шокир Долимов

*Facebook.com ижтимоий
тармоғидан олинди*



ўтганидан сўнг, чап қўли бармоқ учларини тишлай ва алланималарнидир чайнай бошлайди.

Афтидан ўз раҳбари нутқидан зериккан кўриқчи, қўли билан оғзини тўсганча эснай бошлайди ва ўзини бироз дам олгандек хис қилади. Чўнтагидан гапириш мослмасини олиб, алланималарнидир

“Кўплаган давлат раҳбарлари олдида одобсиз ахлоқи билан ўзинигина эмас, “шефини” ҳам обрўсизлантирди. Президент ҳам атрофида юрган одамларга бир назар солиб қўйса яхши бўларди. Айниқса, бундай ҳалқаро миқёсдаги учрашувларда...” – дея тавсия қилади нашр.

Ҳавфсизлик хизмати қошидаги давлат раҳбари тан соқчилигига кимларни, қандай талаб ва қоидалар асосида ишга олиниши ва уларга жойларда ўзларини қандай тута билишлиги уқтирилиши ва бунга ўзгача эътибор қаратилиши маълум.

Маълумки, жорий йилнинг 23-24 июнь кунлари Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммити бўлиб ўтган. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон раҳбарлари иштирок этган.

Саммитда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ШХТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинган.

ШХТнинг навбатдаги саммитига келаси Қозоғистон раислик қилади.

ЎХХ ахборот бўлими

Атамбаев тан соқчисининг ШХТдаги қилиқлари

Давлат раҳбари ҳавфсизлигига маъсул кўриқчиларнинг турли хил ножўя ҳаракатлари қирғиз жамоатчилигида турли хил музокараларга сабаб бўлади.

24 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитининг 15 йиллик юбилейида нутқ сўзлаган Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев, ортида ўтирган ўз кўриқчисининг қилиқларини билмаган чоғи.

Тасвирда атрофга назар солганча, аввалига ўнг қўли бармоқларини тишлай бошлаган, афтидан бармоқ учларидан қандайдир озиқа олган кўриқчинини оғизларини қирмирлаётганча бир нималарни чайнай бошлаганини кўриш мумкин.

Кейин эса қўли билан оғзидан қолдиқларни олади. Бироз муддат

шивирлагаётгани ва кўз ойнагини тўғрилаганча, ёнидаги одамга эгилиб бир нималарни тушунтираётгани акс этади тасвирда.

Президент Алмазбек Атамбаев ҳавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган бу кўриқчининг олий даражада ўтган саммитдаги қилиқлари қирғиз матбуоти ва жамиятида қизгин баҳсу-музокаларга сабаб бўлмоқда.

“Қизик, дунё ҳамжамияти Атамбаевни гапигагина эмас, унинг ортида ўтирган тан соқчисининг ахлоқсиз қилиқларига ҳам гувоҳ бўлишди. Ёш болакай каби қўлини қайта-қайта оғзига солиб, ўйнаб, зерикканидан зўрға чидаб ўтирган кимса ким?” – дея савол остига олади kyrgyztoday.org сайти ўз мақоласида.

*“Йиқилиш эмас, паст орзу,
жиноятдир. Буюк мақсадларда
ҳаттоки йиқилиш ҳам
шарафлидир.”*

Брюс Ли.

Албатта, умр йўлида одимлашда давом этар эканман, каминанинг ҳам бошқалар қатори энди ўткинчи ҳою ҳаваслар, болаларча беғубор, самимий, ушалмас хошиш истаклари-ю, ўй-ҳаёллари ва орзу мақсадларидан тамоман фарқли ўлароқ, маълум миқдордаги ахлоқий, маърифий, маданий, инсоний қадриятлар, урф-одатлару, ижтимоий муносабатлар каби маъданлардан суғорилган, қалбида унган чинакам мақсадларига йўналадиган вақти келган эди.

Биргина ўзимни мисол қилиб келтирмайин. Ўзим билан ёш ва ақл жиҳатдан тенгдошларни ҳам кўшиб, биз дея қолай. Чунки, шубҳасиз ҳар ким қачондир бу йўлдан юради.

Биз ҳам юрмоқчимиз. Бу йўл ўзимизни доим эшитмас овоз-у, кўринмас кўллари билан чорлаб турадиган йўл. Аммо орзуманд кишининг орзуси, орзу қилиш билан амалга ошмайди. Унинг амалга ошиши учун эса, ҳаракат қилиш керак, меҳнат қилиш керак, вақт, куч, ақл, ҳис-туйғу, билим, маблағ сарфлаши керак, умр сарфлаши керак. Ва инсон ўзининг орзусига ҳали етмасданок, унга яқинлашиш лаззатидан баҳраманд бўла бошлайди. Бу лаззат, инсон ва унинг орзуси ўртасидаги масофа қисқара бориши билан кучайиб бораверади. Орзу мақсадларнинг, ўткинчи ҳою ҳаваслардан ажралиши учун, инсонга кўп вақт керак бўлади. Бу ерда вақт дейилганда, фақат соат миллиарининг айланиши эмас, одамнинг шу вақтни чинакам умр сифатида яшаши назарда тутилмоқда, яъни одам эзгу ҳислар билан бирга ҳаётнинг аччиқ неъматларидан ҳам истеъмол қилиши керак, ки унинг тили таъм нелигини англасин. Бир хил таомни бир хил пайтда, бир хил миқдорда, бир хил кайфиятда, умуман яна бошқа бир хилликларда ейдиган одам, ҳеч қачон асл таъм нелигини англаб етолмайди. Худди шундай, одам ҳам “умр” учун вақтнинг ҳар бир синовларидан ўтиши керак. Ана энди, одам асл ҳаёт орзусини,

Илтижо

ўзининг хирс ва нафси майлини, иймон истакларидан, қалб эҳтиёжларидан, ақл мақсадларидан ажрата бошлайди.

Биз орзу қилдик. Аммо орзуимизга ета олмаслигимизни билдик, кейин эса ўз орзуимиздан ҳам юксакроқ орзуни англаб етдик. Бу – ўзимиз каби бошқаларнинг ҳам орзулари йўлига ғов бўлиб турган тўсиқни олиб ташлаш орзуси эди! Энди биз учун бундан ҳам юксак орзу йўқ эди! Бу орзу шу даражада юксак ва ўзига тортувчи эдики, унинг учун инсон ўз умрини бемалол бағишласа, бемалол ўзининг қолган барча эҳтиёж-у истаклари, орзуо мақсадларидан воз кечса ва ўзини ҳам қурбон қилса бўлар эди! Бу орзунинг юксалиги ва буюклигининг сабаби шунда эдики, бу орзу фақат бизники эди. Биздан олдин ўтганларнинг ҳам, биздан кейин келгувчиларнинг ҳам, ёки биздан катталар, биздан ақллилар, биздан ҳам ғайратлиларнинг, ёки биздан кейин келувчиларнинг ҳам, ундан кейин келгучи биздан кичикларнинг ҳам орзуси эмас эди: у фақат бизгагина тегишли, аниқроғи уни амалга ошира билиш бахти фақатгина бизга тегишли бўлиши мумкин эди! Аммо унинг мевасидан ҳамма баҳраманд бўлиши мумкин эди. Бизга мана шундай юксак орзу қилиш ва уни амалга ошириш имконияти берилди! Биз учун бундан ҳам ортик бахт-саодат йўқ эди. Чунки, инсоннинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, истак ўйи, орзу мақсади ортида, унинг бахт саодатга эришиш майли ётади, бу дунё ва у дунё саодатига. Биз учун эса бу орзунинг рўёби, мана шу саодатга элтадигандек эди. Чунки унга бутун бир жамият, бутун бир халқ, бутун бир миллат, бутун бир давлат, бутун бир юртдаги инсонлар ва уларнинг тақдири тикилган эди. Унга бутун бир шахсият, ундаги иймон-этиқод, ақл-идрок, куч-ғайрат, эътибор ва меҳр, ихлос ва қалб тикилса бас эди. Биз бун тикишга тайёр эдик, чунки биз каби фақир телбалар учун, булар ҳеч нарсадек туюлар эди, ўша орзуга тикилган ва унинг рўёбидан кейин бўладиган оқибат олдида.

Биз мана шундай шуҳратпарастликка йўлиқдик. Шон-шараф ва улуғланишни истадик. Чунки, бун истамаслик ёки иташ, айнан бизнинг ихтиёримизда эди, ва биз истадик. Йиқилсак ҳам йиқсак ҳам, шу буюк орзун амалга оширишга уриниш, айнан бизнинг танловимиз эди, ва биз танладик. Яратган Тангри, иймон этиқодимиз соҳиби, бизларни яратган ва қайтарадиган, гуноҳларимиз учун ҳам савобларимиз учун ҳам ўзининг тақдирини ҳозир қилиб қўйган илоҳ, бизнинг бу шуҳратпарастлигимизни кечиргай. Зеро, биз фақат ва фақат ўз қалбимиздан келётган бу нидони тингламоқдамиз холос, ўз кибримиз ёки нафсимизнинг овозларини эса аллақачон ўчирганмиз. Уларнинг оғизларини очик қолдирган тақдиримизда ҳам, бизга ҳеч қачон ўз қалбимиздан чиқаётган овоз каби сеҳрли ва жўшқин, баланд ва тантанали овозни сўзлай олмасди.

Ҳа, бу юксак орзунинг юксаклиги ҳам шунда – у ҳар қандай ғайрилиқдан ҳоли. Тангрининг асл мўжизаси бу орзу. Мана исботи биз, биз – ёшлар, биз – орзумандлар, бу мўжизадан телба аҳволга аллақачон келиб бўлдик. Энди, бизни бу мўжизанинг шифобахш рўёбигина қутқариши мумкин холос, йўқса биз, бу орзун амалга ошира олмаганимиз учун, бизга берилган бу имкониятдан фойдалана олмаганимиз учун, бир умр телба бўлиб ўтамиз. Ё Тангрим! Бизни бундай кулфатдан ўзинг асра! Бизни бундай шармандали, азобли, шуурсиз тақдирга раво кўрма!!! Бизни бу орзу рўёбидан мосуво этма! Бизни телба бўлиб қолишимиздан ўзинг асра!

Биз ўзимиз қила оладиган амалларда бизга тўғри йўл ва куч-қувват бер! Ўзимиз ўзгартира олмайдиганларимизни эса, Ўзинг бизнинг икки дунё саодатларимизга эришишдек Улуғ Бахтимизга мос ҳолда, ислоҳ ва иншо эт!

Ўзингдангина мадад ва шавқат тилаймиз, Буюк Тангри! Сенга сиғиниш ва итоат этишга муяссар этганинг учун, шукрлар бўлсин сенга!

Мурод Бекманов
18.05.2016

“Ўзбек халқини тўй балосидан қутқаринг!”

“Ўзбек халқини тўй балосидан қутқаринг!”

Абдулла Авлоний (1874-1934)

Бундан 100 йил муқаддам севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий тўй ҳақида шундай сатрларни битган эканлар:

Қилди бу вақт бизда жавлон тўй,
Оқчаси йўқни этди хайрон тўй.
Бир-биридин ошурдилар тўйни,
Топди равнақ, ғайрат ила боён тўй.

Беш кун ўтмай тўйни сўнгидин
Кетибон мулклар боис фиғон тўй.

Боён тўйиға ерлилар қараб
Этди сарф токи тандаги жон тўй.
Эй ғанийларимиз, эй
фақирларимиз,

Амр этибдурму бизға Курьон тўй.

Мундаин ишлар шаръимизда йўқ

Кори маъжус, кори шайтон тўй.
Ишламас шундай ақлик киши,
Йўламас асло аҳли виждон тўй.
Ўтса тўй бирла ёзу кишимиз,
Айлағай бизни ерға яксон тўй.
Келингиз дўстлар, дин
қариндошлар,

Ташласун бўлса гар мусулмон тўй.

Хонанда Азиза Ниёзметова:
“Ўзбекистонда тўйга 50-60 минг доллар кетади. Келин кўйлақлар ижараси 500 доллардан тортиб 10-15 минг долларгача”.

Биз шундай қавммизки, биргина муаммони 100 йилда ҳам ҳал қилолмаймиз. Тўғри, гапираверамиз, чайнайверамиз, аммо-лекин ҳал қилолмаймиз. Бу ҳақда керак бўлса бутун халқ гапиради: шоҳу гадо, олиму оми, шоиру ёзувчи, деҳкону дурадгор, хуллас гапирмаган одамнинг ўзи йўқ. Натижа эса ҳар доимгидек нолга тенг.

Билиб қўйинг, биз шундай қавммиз!

Кимки бизнинг «қудратимиз»га шубҳа билан қараса, бизнинг тўй-ҳашамларимиз, маърака ва маросимларимизга боксин!

Жаноб Камина

ТўЙ ФОЖЕАСИ («Оқчаси

йўқни этди хайрон тўй»)

Яқинда эндигина элликка кирган яхши бир акани тупроққа қўйдик. Ичагида яраси бор экан. Шу очилиб кетибди. Аммо бу одамни ўлдирадиган дард эмас. Ҳарқалай, қолоқ бўлса ҳам медицинамининг бунга ақли етади. Бироқ марҳум шифохонага бормаган.

— Нега шифохонага олиб бормадингизлар? — дедим хайрон бўлиб.

Аёли ерга қарайди. Болалари онасига хўмрайди. Бир амаллаб масаланинг тагига етдим.

Ака яқинда набирали бўлибди. Тўнғич кизи ўғилли бўлиб, шунга бешик тўйи олиб бориши керак экан. “Бешик тўйи”нинг харажати катта эмиш. “Агар мен касалхонага тушиб қолсам тўй беролмай қоламиз”, деб ота шўрлик шифохонага бормаган ва бир ҳафта давомида қон туфлаб юраверган.

— Бир неча марта айтдим, лекин ҳар сафар: “Қудаларнинг олдида уятли бўлиб қоламиз, қизингнинг кўнгли ўқсийди”, деб бормадилар, — дейди аёли.

Хуллас, шу одам ўлди. Бир тийинга қиммат анъанани, бемаврид ғурурни деб ўлиб кетди.

Мухтарам ўзбеклар, тўйлар фожеасидан қачон қутилади? Қачон эс қиради бизга? Биз қачон тонналаб гуруч дамлаб тўй қилишнинг фазилат эмаслигини тушунамиз?

Ажабо, бир аср илгари Бехбудий ҳазрат ҳам худди шундай нолиб ёзган эканлар. Орадан 100 йил ўтибди ҳамки, ҳамон ўша “қўшиқ”!

Алишер Назар

Аллоҳ таоло «Исро» сурасининг 16- оятида айтади:

«Биз қачонки, бирор шаҳарни ҳалок этишни истасак, унинг бой-бадавлат маишатпарастларини (биз юборган пайғамбарларга ва бизнинг буйруқларимизга итоат қилишга) амр қилурмиз, бас, улар у (шаҳар)да фикс – итоатсизлик қилурлар. Шунда у (шаҳар аҳлига) «Сўз» (азоб тушиши) муқаррар бўлур. Бас, Биз у (шаҳар)ни мутлақо вайрон қилурмиз».

Манба: sof.uz

Бек Мурод
Йиллар азоби
Тўқсонинчи йиллар
шеърят

Жумбоқ

Ўйнашади, дор ва нур,
Жаллод болта ушлар чоқ.
Ёнмоқ истаиди шуур,
Болта чопмоққа муштоқ.

Ғам кўрмаган шод бўлмас,
Шодлик ғамнинг боласи.
Оқ ранг бўлсин, қора ранг,
Бир-бирининг сояси.

Қуёш тунларнинг қаърин,
Ёрмоқ билан овора.
Яхши ютади дамин,
Ёмон чалар, ноғора.

Шундай келар, минг йиллар,
Шундай кечар бу дунё.
Қани у бийрон тиллар?
Кўзлар кўргани, рўё.

Йиқилмасми, ўлим қалъаси?

* * *

“Эрк” қўшиғи

Озод кунларини эслаб ҳар нафас,
Узун кечаларда, сайрайди бир куш.
Унинг ўлкасига ҳукмрон қафас,
Ўтказган дамлари бугун рўё,
туш.

Миршаблар панжара, устунлар эгов,
Кўнгил фарёдлари бермайди садо.
Умидлар – супурги, армонлар – касов,
Хорликлар жонларни этади адо.

Ҳар кун бўй чўзади “Эрк” деган дарахт,
Япроқлари девор оша билмаслар.
Таланган хаёллар мусофир, қарахт,
Фикратлар сузилиб, уча билмаслар.

Панжарадан нари тўрт қават девор,
Баъзида тирқишдан сизар, Эрк иси.
Юракларни этиб, шундай умидвор,
Кирлаган тошларнинг ўзгармас туси.

Парчаланмайдими, зулм занжири?

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Йиқилмасми, энди, ўлим
қалъаси?
Ёнмасми, куймасми, зулмкор
тузум,
Дунёни тутмасми, мазлум
наъраси?!

* * *

1992 йил

Тўлғонади, дарддан сатирлар,
Бўшангандан инмайди бир ниш.
Хотиралар унутар, Эркни,
Чўкаётган чўққилар, таниш.

Қамишларга тирмашиб оқар,
Жўшиб оққан дарёлар, элас.
Халқда истак бўлмаса агар,
Минг чиранма, тафаккур, абас.

“Ошкоралик” шамоли бугун,
Аталмоқда “Тарихий хато”.
Кулаётган “Озодлик” забун,
Кўкрагидан ўқ еди ҳатто.

Кичрайтириб, Шўролар ерин,
“Мустақил” деб, қилдилар эълон.
Каримовга эл бўлди, туткун,
Доғда қолди юрт – Ўзбекистон.

* * *

Бошлади

Эрларда қолмади, ор билан
номус,
Муллода тўғри сўз, ҳакимларда
эс,
Тушовлаб, барчани минди бир
иблис,
Аёллар кўчага чиқа бошлади.

Раҳбарлар сўзига амал қилмади,
Кимса қонунларни кўзга илмади,
Муфти савоб, гуноҳ ишни
билмади,
Мусулмон масжиддан қоча
бошлади.

Жаллобга айланди ғаддор
замона,
Молу давлат боқди ўғри, ёмона,
Ислондан юз бурдик, қайси
томона,
Дарёлар тескари оқа бошлади.

Қизларнинг йўқолди юздан
ибоси,
Йигитларнинг кетди лафзи,
вафоси,
Хотинларнинг ортиб, нафси
ҳавоси,
Ётириб, эрларин боқа бошлади.

Ўзимизни санаб, Расул уммати,
Ошар кунда фасод ишнинг
қиммати,
Шоҳларда қолмади ҳукми,
ҳиммати,
Охиратни дўзах ёқа бошлади.



Историк-чингизовед Анатолий
Оловинцов: “Чингисхан был тюрк...

“Чингизхон турк миллатига мансуб бўлган”

Мўғул миллати тарихда мавжуд бўлмаган, бу сиёсий атама, дея таъкидлайди тарихчи-чингизшунос олим, академик Анатолий Оловинцов. Унинг фикрича, XIII-асрда Оврўосиё чўлларида барча турклар бўлган, шу жумладан Чингизхон ҳам, ва улар ҳар хил қабилаларга бўлинганлар. Кейинчалик, уларнинг барчасини ягона давлат остида йиғиб, Чингизхон бу давлатни шартли “Мўғулистон” деб атаган, бу эса “Мангу кўшин” деган маънони англатади.

– Анатолий Григорьевич, сиз нега Чингизхон турк бўлган деб ҳисоблайсиз?

– Бу кашфиётни мен турли тарихий ҳужжатларни узоқ вақт ўрганишдан кейин қилдим. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Тарихда мўғул тилида ёзилган бир дона ҳам сўз йўқ, турк тилида эса истаганингизча топасиз. Чингизхон яқин атрофидагиларининг фарб қироллари билан ёзишмалари сақланиб қолган, улар турк тилида олиб борилган. Хубилай хоннинг авлодларига мактуби, баъзи Марказий Осиёлик ҳукмдорларнинг хатлари турк тилида битилган ва қадимий уйғур шрифти қўлланилган. Бундан ташқари, бизгача буюк ҳукмдор ҳаётлигида ишланган чингизийлар тоши етиб келган, ундаги ёзувлар ҳам турк тилида. Агарда ўша

вақтда мўғул тили мавжуд бўлган бўлса, нега Чингизхон туркчадан фойдаланган? Бундан хулоса шуки, Чингизхон турк тилида гарпирган ва ёзган.

– У ҳолда мўғуллар қаердан пайдо бўлган?

– Бундай этник гуруҳ умуман мавжуд бўлмаган. “Мўғулистон” – бу сиёсий атама. Бу ҳудди АҚШда америкалик миллати бўлгани каби. Америкаликлар ким? Булар шу мамлакатда яшайдиган инсонлар: инглизлар, африкаликлар, италияликлар ва ҳоказо. Ёки мисол учун, аввал ҳаммамиз Совет халқи эдик, аммо ҳеч ким совет тилида гапирмас эдику. Қозоқлар қозоқ тилида гапирар эди, руслар эса рус тилида.

Чингизхон даврида Оврўосиё чўлларида барча турклар бўлган, улар татарлар, керейлар, жалоирлар, найманлар ва бошқаларга ажратилган. Солномаларга кўра, бир куни Чингизхон ҳузурига Хитой элчиси Менхун келади, аммо ҳукмдор кўшин бошчилигида юришда бўлади. Шунда элчи Чингизхон бошқарувчиси Мухали билан гарлашади ва ундан сўрайди: “Сен кимсан?”. Мухали: “Мен татарман”, дея жавоб беради. Авваллари татарлар юксак эътиборли ҳисобланишганку.

Шундай қилиб, Чингизхон атрофида турли миллат вакиллари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

йиғилган. У ўз давлатини ташкил қилишга қарор қилганда эса, барча шу одамларни ягона халқ сифатида бирлаштирилган. Бундай кўп миллатли мамлакатга қандай ном бериш керак? Мўғулистон (Монголия) – “мэнгу” – мангу ва “кол” – қўшин – энг жарангдор ва тарафсиз ном.

– Яъни ҳозир мўғуллар турк тилида гаплашаяптиларми?

– Йўқ. Ҳозирги халха-мўғул тили XVII-асрда, уларни Манжурлар босиб олганда шаклланган. Биласизми, ўзининг Ўрта Осиё ва Кавказ салбюришларида Чингизхон ва унинг ўғиллари Мўғулистоннинг деярли ярим аҳолисини олиб чиқиб кетишган. Мўғуллар Хитойни босиб олдилар ва хитойликлар уларни суриб чиқаргунга қадар у ерда 100 йил ҳукм сурдилар. Хитойликлар Мўғулистоннинг ўзида ҳам икки маротаба қирғин уюштирдилар, шунчаки аҳолининг бир қисмини сўйиб ташладилар. Кейин эса, Чингизхоннинг ўлимидан сўнг, қолган ҳукумат мансабдорлари биринчилик учун ўзаро жанг бошладилар. Натижада XVII-асрда мамлакатда турк бўлган ва турк тилида гаплашадиган бор йўғи 60 минг туб аҳоли қолди. Буни кўрган Манжурлар Мўғулистонни

босиб олди, уларнинг тиллари турк тилидан тубдан фарқ қилар эди. Аралашув натижасида бир авлод ўтиб тунгус-турк-манжур тили шаклланди – бу эса ҳозирги замонавий халха-мўғул тилидир.

Аввал мўғуллар тангричилар бўлишган, кейинчалик будда динини қабул қилишган, бу уларни манжурлар билан боғловчи ягона алоқадорликлари бўлган. У вақтда иқтидорли ёш мўғулларни хитой, тибет ва турк тилларини ўрганиш учун Тибетга юборишган. Шу одамлар қайтиб, бизнинг кунимизгача етиб келган солномаларни ёза бошлаганлар. Бу битиклар хитой белгиларида, аммо турк тилида ёзилган, шу сабабдан олимлар узоқ вақт, деярли 30 йил уларни ўқий олмаганлар.

– Чингизхонга қайтайлик. Унинг қозоқ миллатига мансуб бўлиши эҳтимоли борми?

– Ҳозир буни аниқлаш қийин. Менимча, унинг миллатини ўз тарафимизга тортиб, қозоқ дейиш нотўғри. Аммо ҳозир ҳамма шундай қилишга урунмоқда. Татарлар ва ҳаттоки Ёкутлар ҳам ҳозирда у бизнинг миллатдан бўлган деяпти. Бу нотўғри, у турк, ўз давлатини ташкил қилганда эса мўғул бўлди ва ўзини шу мамлакат ҳудудида дафн этишларини буюрди.

– **Айтмоқчи, қозоқлар мўғуллар билан аралашгандан сўнг ранглари қоралашган деб ҳисобланар эди. Сиз эса унисси ҳам, буниси ҳам қизғиш бўлган деяпсиз...**

– Қозоқ хонлиги Чингизхон ўлимидан 250 йил ўтиб юзага келди. Қозоқлар у вақтда ҳақиқатдан ҳам оқиш рангда бўлганлар. Шунингдек, олтин одамни топишганда, у ҳам қизғиш бўлган. Қозоқ хонларининг исмларини эсланг, ўша Кенесари – “кене” – кана, “сари” – сариқ. Тарихда Тўғум исмли хон ҳам бўлган, у ўзининг тўққиз ўғли билан жангда ҳалок бўлган. Шундан сўнг уларга бир дoston битилган, номи “Тўғиз сари”, яъни тўққиз сариқ.

Аралашув бўлган, аммо мўғуллар билан эмас, балки хитойлар билан. Туркларда Модэ номли ҳукмдори бўлган, у Хитойга ҳужум қилган, буюк Хитой деворидан ўтган. Туркларни у ерда нима қизиқтирган? Чой, ипак ва минглаб асир олинган ёш қизлар. Мана шулар уларга кўп лаб метис фарзандлар туғиб берган, шулардан аралашиб бошланган. Бу каби босқинлар Хитойга деярли минг йил давом этган. Секин-аста қозоқларнинг ташқи кўриниши ўзгарди, улар қизғишдан буғдой ранга айланишди.

ЎХХ хабарлар бўлими**Бек Мурод
Йиллар азоби**

Тўқсонинчи йиллар шеърляти

Мардона дерлар

Лафзига содиқ қўлни, бизда бефаво, дерлар,
Тўғрисўзни тиккабош, бузук, расуво, дерлар,
Золимларни қаттиққўл, ҳақиқий даҳо, дерлар,
Елғончини ибтидо, зўрни интиҳо, дерлар.

Замонанинг талаби шуни этар тақазо,

Шайтонга қўл берганлар ҳазрат Али Муртазо,
Муртазони суйганлар, лаъини жиң, ҳаказо.,
Елғончининг ишларин, ажойибнамо, дерлар.

Саждага бошин қўйиб, риёни кўзлар нодон,
Дуога қўлин очиб, зиёнин сўрар нодон,
Дур-жавоҳир ўрнига, қуруқ тош

**Нечалар кўрарлар,
айта олмаслар**

терар нодон,
Жоҳилликда ўз-ўзин, алар яқдона, дерлар.

Баридан қоққан этак, қутулар оғир юкдан,
Ёмғир каби тўқинар, бағри қора булутдан,
Охиратнинг ғамин ер, белин боғлар, ҳалитдан,
Таслим бўлган бандани, қойим, мардона, дерлар.

Нечалар келади...

Нечалар келади ёруғ оламга,
Туш кўриб ўтади, кўзлари очик.
Нечаларнинг тили келмас каломга,
Нечалар туғилмай, ўлиб борадир.

Нечалар мол топар, ишқдан

мосуво,
Ўзига яхшилик кўрмайди раво,
Кимлар этак қоқар, дунёдан суво,

Кўринмас бир нурга тўлиб борадир.

Нечаларнинг кори фойдасиз овоз,
Нечалар бор элда, лангарсиз дорбоз,
Кимлардир гард юқмас, доим оқ қоғоз,
Ҳалолни ҳаромга уриб борадир.

Нечалар кўрарлар, айта олмаслар,
Нечалар айтарлар, кўра олмаслар,
Кимлар юз йил яшаб, била олмаслар,
Ҳайратдан бармоғин сўриб борадир.

Икки қирғоқ ўртасида тантана,
Палладай ўйнайди руҳ билан тана,
Маҳшаргача давом этар маърака,
Барчасин Яратган кўриб борадир.

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов